



ТУРКИСТОН

Туркистон бир, ватан бир

1993 йил 29 сентябрь • Чоршанба • № 112 (14140) * TURKISTAN Сotувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ НЬЮ-ЙОРККА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 26 сентябрь кунин Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг навбатда-

ги сессиясида иштирок этиш учун Нью-Йоркка жўнаб кетди. Тошкент тайёрагоҳида Ислам Каримовни республика Бош вазири А.

Муталов, Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Э. Халилов, Президентнинг давлат маслаҳат-

чилари М. Умурзоқов, Т. Алимов, А. Азизжўраев, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар

кузатиб қолди. Президентни кузатувчилар орасида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги фақуллода ва мухтор элчиси Генри Ли Кларк ҳам бор эди.

(УЗА).

Биринчи саҳифага мактуб

Пасталар қаёққа йўқолиб кетди?

Йўқ-йўқ, мен тиш пасталари ҳақида гапирётганим йўқ (гарчанд улар-да анқонинг уруғи бўлиб кетган бўлса ҳам). Мен оддий шарикли рўчканинг қон томири бўлиши пасталарни назарда тутяпман. Ҳар сафар сиёҳ таом бўлганда, ўз-ўзимга савол бераман: пасталар қаёққа йўқолиб кетди?

Чиндан-да, ҳозир қайси одам билан учрашманг, уйда, ишхонасида ўнлаб шарикли рўчак борлигини, лекин пастаси бўлмагани учун ҳар жойда сочилиб ётганини гапирди. Айниқса, ўқувчи талабаларга қийин бўлди. Кунига 5-6 соатлик дарс, қолаверса, бажарилиши ўқувчи томонидан қатъий назорат қилинадиган уй вазифалари кунора бўлмаса-да, ҳар ҳафтада битта рўчакга қирон келтиради. Ҳа, қирон келтиради! Чунки уни отиб юбориш ёхуд эҳтиёт шарт деб бир четга олиб қўйишдан бошқа илож йўқ. Қанча қидирманг, барибир янги паста тополмайси. Давлат таъсирлигидаги магазинларда ҳам,

касал теккан картошкадек болалаб кетган тижорат дўконларида ҳам паста йўқ. Ўзга иложи қолмагач, янги рўчак сотиб олишга мажбур бўламиз. Қошки у ҳам арзон бўлса. Энг арзони 120—140 сўм!

Бенхтиёр савол туғилади: Ўзбекистонда шарикли рўчак пастасини ишлаб чиқарадиган бирорта корхона йўқми? Бўлмаса, уни қуриб ишга тушириш вақти етмайдимики?

Болалар — келажакимиз. Модомики шундай экан, уларнинг оғирини енгил қилиш биз катталарнинг бурчимиздир. Ўйлаётганим, Олий ва Халқ таълими вазириликлари Савдо вазири билан ҳамкорликда бир қарашда арзимас, аслида эса катта аҳамиятга молик бўлган ана шу масала ечими устида ҳар қанча жиддий бош қотирсалар арзийди. Муҳими, эътиборсизлик қилмаслик зарур. Негаки, илм-маърифат лоқайдлики кечирмайди.

Муҳаммад ЗАЙНИДИН.

Ислам КАРИМОВ:

«АМАЛИЙ ИШГА ЎТАДИГАН ПАЙТ КЕЛДИ!»

Ҳамдустлик Давлатлари бошқалиқларининг Москвадаги учрашуви якунларини бир қанча ахборот мақома-лари қисқа қилиб, «Кутилган натижага эришилди!» деб таърифлади. Бунда, аввало иқтисодий иттифоқ тузиллиги тўғрисидаги шартноманинг имзолангани кўзда тутилди. Маълумки, бу муҳим ҳужжатга тўққизта мустақил давлат бошқалиқлари имзо қилди. Украина билан Туркманистон эса унга шартли аъзо сифатида кирди.

Бироқ кўпгина кузатувчилар Москва учрашуви натижаларини собиқ иттифоқнинг қайтадан вужудга келиши, деб баҳоладилар. Лекин бундай эмас. Қозғонистон Президенти Нурсултон Назарбаев мухбирингиз саволига жавобан бундай деди:

«Ҳаётнинг ўзи бизни, муҳолағасиз айтиш мумкин, шундай шартномани қабул қилишга мажбур этди. Бу ўринда гап СССРни қайтадан тузиш тўғрисида бўлган йўқ ва бу ҳақда сўз бўлиши мумкин ҳам эмас. Мамлакатларимиз ва халқларимиз барча ваколатларини яна қандайдир марказга топшириш учун мустақилликни қўлга киритгани йўқ. Бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Ўзбекистон билан Қозғонистоннинг сифат жиҳатидан янги иқтисодий зонани барпо этишга доир саёб-ҳаракатлар муваффақият билан якунланди. Маълумки, Алматыда июль учрашуви чоғида биз Ислам Каримов билан биргаликда «Божона» фондларини аниқ соддаштириб, тўла маънодаги рубль зонасини вужудга келтириш учун барча шарт-шароитни яратадиган ҳужжатни ишлаб чиқишнинг тақдир қилган эдик. Пировад натижада соғлом фикр қолди қилди. Иқтисодий иттифоқ тузиш тўғрисидаги шартнома Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги бошқалиқларининг учрашувида қабул қилинган барча

ҳужжатлар орасида энг муҳими эканига ишончим қомил. Москва учрашувида делегациялар бошқалиқлари муҳолағасига ўн саккизта масала қўйилган эди. Учрашув тез тугаганига қарамай, ўн олтинчи ҳужжат имзоланди. Мутахассисларнинг фикрича, бу — экспертлар самарали ишлаганига натижасидир. Маълумки, улар иқтисодий иттифоққа доир шартнома хусусида бир неча ҳафта ишладилар. Хуллас, илгарий ягона концепцияни ишлаб чиқишга имкон бермаган барча зиддиятлар барҳал этилди. Украина билан Туркманистон тўғрисида гапирадиган бўлсак, улар асосан субъектив сабабларга кўра ҳамжамиятга ҳар жиҳатдан тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб қўшилмади.

Леонид Кравчукка бир қанча сиёсий партия ва ҳаракатлар, айниқса, миллий яқинлашувнинг ўзининг сиёсий мақсади деб эълон қилган «Рух» қатъий қаршилик кўрсатмоқдасан, бу ҳол учрашувдан олдин ҳам маълум эди. Туркманистондаги вазият эса бошқача. У ерда иқтисодий таълимдан табиий бойликлар, хусусан нефть ва газ ҳисобига чинишга умид боғлаб, ўзларини гўё иккинчи Кувайт деб ҳисоблашмоқда.

Москва учрашувининг яна бир муҳим жиҳати бор. Россияда ҳоқимиятларнинг бир-бирига қарама-қарши туриши 24 сентябрь арафасида олди даражадаги кенгайтиш ўтказилиши шубҳа остига қўйди. Лекин Борис Ельцин журналистлар билан суҳбатда барча уйдирмаларни рад этди. Борис Николаевич ўзини Кремлда ва ҳужжатлар имзоланган «Президент Отелъда айниқса далил тутди. У мезбон сифатида журналистларга бундай деди: — Ижроия ҳоқимияти билан қонуни чиқарувчи ҳоқимиятнинг бир неча ойларида буён бир-бирига қарама-қарши туриши барҳал топди. Парламентнинг галаён чиқариб, халқни оёққа тур-

ғизига уриниши беҳуда кетди. Мамлакат аниқ маромда яшашмоқда. Ҳамма саноат корхоналари ишлаб турибди, даладарида ҳосил йиғиштириб олинмоқда. Иқтисодий иттифоқ тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши Ҳамдустликдаги барча мамлакатлар учун яхши истиқболлар очиб беради. Россия пойтахтидаги учрашув бунга яққол тасдиқлади!

Озарбайжон раҳбари Ҳайдар Алиев Москвада катта қизиқини уйғотди. Бу тажрибали сиёсатчи Озарбайжон парламенти республиканинг МДҲ таркибига қўшилиши ҳақидаги қарорни ақсартиб қўйишга овоз билан қабул қилишга эришди. Москвада у журналистлар билан учрашишдан тийилди. Шунга қарамай, қисқа баёнатда унинг тутган йўли яққол кўзга ташланди: «Ҳозирги пайтда иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан яқинлашиб яшаш мумкин эмас. Бу йўл яқинликка олиб бормайди. Шу сабабли биз Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигини ўзаро муносабатларимиз кўп йиллардан буён давом этаётган ишончли ҳамкорларимиз деб биламиз».

Учрашувда қатнашган бошқа делегация бошқалиқларининг тутган йўли қандай эди? Беларусь парламентининг бошқалиқ Станислав Шупкевич иқтисодий иттифоқ тўғрисидаги шартномани имзо чекиб, республиканинг ўз валютасини жорий этишнинг талаб қилётган мулк ҳолининг барча далилларини чинпака чиқарди. Молдова бошқалиқ Мирча Снегур кўп гапирмади, лекин у ҳам янги иқтисодий иттифоқни тузиш юзасини ҳеч иккинчи мамлакат билан қўллаб-қувватлади. Тожикистон Олий Кенгашининг раиси Имомали Раҳмоновнинг фикри эса равшан: Тожикистон Афғонистон чегарасидаги мождарлар давом этаётган ҳозирги мураккаб сиёсий ва иқтисодий вазиятда бу мамлакат муаммони ёлғиз ҳал

эта олмайди. Бунинг устига, Москвада қўрилган бир неча масала, хусусан Россия, Қозғонистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ҳамда Тожикистоннинг бирлашган муҳофа кучларини тузиш тўғрисидаги ердан жамғармасини тузиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди...

Учрашувда ҳаммадан ҳам Қирғизистон Президенти Асқар Акаевга қийин бўлди. У миллий валюта — сўмнинг жорий этили, бу билан Қирғизистонни Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигидан ажратиб қўйди. Бундай вазиятда Асқар Акаев қатъий талаблар қўйди: ҳар қанча валюта жамғармаси ердан ҳамда Россия кредитларига умид боғлай олади, холос. Афсуски, Қирғизистон раҳбари учун ўзга йўл йўқ...

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг фикри эса ҳар қачонгидек жуда саниқ ва равшан. Ислам Каримов билан Нурсултон Назарбаев иқтисодий иттифоқ тўғрисидаги шартномани тезроқ ишлаб чиқиш ва қабул қилишга бошқа давлатлар бошқалиқларини ундагани ҳозир ҳеч кимга сир эмас.

Москва учрашувида биз рубль зонасига соддаштирилган тасдиқладик. — деди Ислам Каримов. — Ҳозирги шартномада айрим қўшилганларимизга ўхшаб миллий валютага ўтиш тўғрисида ишлов-шарҳлар билан қарор қабул қилинган. Йўл қўйиб бўлмайди. Бундай қарорлар билан оғури топадиган даврлар ўтди кетди. Амалий иш қиладиган пайт келди. Ўзбекистон қандайдир нафсониятлар тўғрисида миллионлаб кишиларнинг турмушини қийинлаштириш учун сиёсий истиқлол ва мустақиллик эълон қилган эмас. Тўғри, биз ўз пулимизга аллақачон ўттишимиз мумкин эди. Пайти келиб ўтамиз ҳам. Лекин чинакам иқтисодий мустақилликка эришиш учун вақт керак.

Бунда большевикларча, иқтисодий йўл тутиб бўлмайди. Бозор иқтисодиётига аста-секин, тадрижий ўтиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган сифат жиҳатидан янги тармоқларни барпо этиш — қийинчиликларни бартараф қилишимизга ердан беради. Республикадан ташқарига чиқариладиган моллар республикага келтирилмаган моллардан анча кўп бўлишига эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик тўғрисида гапириб мумкин эмас. Қозғонистон Президенти билан биргаликда биз учрашувда 1993 йил намунасидаги пулга тезроқ ўтиш тўғрисидаги масалани қўйдик. Россия томони бу масалада бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ваъда берди.

МДҲ давлат ва ҳукумат бошқалиқларининг навбатдаги учрашуви якунланди. Олдинги барча учрашувлардан фарқи равишда у гўё саниқ ва равшан. Сиёсий нафсоният ўрнини ҳозирги вақтда бошқа мамлакатлардан ажратиб, яқинлашиб яшаш мумкин эмаслиги идрон эътилоди. Ҳеч бир томон таъйиқ ўтказмайдиған тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли иқтисодий иттифоқ зарур. Ривожланган Ҳарб мамлакатларда шундай иттифоқ мавжуд. Шундай қилиб, бундай иттифоқнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Лекин у амал қилиши учун, МДҲ мамлакатларининг ўн миллионлаб фуқаролари бу иттифоқнинг самарасини ҳис этишлари учун яна кўп ҳужжатларни имзолаш керак. Лекин бугеги енгил кўчади. Энг муҳими — МДҲ давлатларининг бир-бирига яқинлашиб жараёни бошланди!

Ҳамдустлик Давлатлари бошқалиқларининг навбатдаги учрашуви октябрь ойининг охирида Ашбабатда ўтказилган бўлди.

Л. ЛЕВИН,
ЎЗА махсус мухбири,
Москва.

ПАХТА ТАВЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1993 ЙИЛ 28 СЕНТАБРГА ҚАДАР БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

Режадаги наисбатан фонд ҳисобиди

Вилоятлар	Жами		Жумладан машина терими	
	бир кунда	маъсум бошқалиқ	бир кунда	маъсум бошқалиқ
Хоразм	3,18	40,81	0,25	0,83
Сурхондарё	2,78	35,15	1,81	11,52
Бухоро	3,00	30,10	0,63	2,24
Қорақалпоғистон	—	—	—	—
Республикаси	2,64	20,99	1,57	6,17
Фарғона	2,28	15,38	0,19	0,55
Қашқадарё	2,08	12,68	0,95	4,09
Андижон	1,90	11,42	—	—
Навоий	1,26	8,01	0,07	0,07
Наманган	1,20	4,67	0,30	0,30
Тошкент	0,47	3,02	—	—
Самарқанд	1,43	1,89	—	—
Жиззах	0,29	0,84	0,13	0,32
Сардарё	0,18	0,57	—	—
Ўзбекистон республикаси	1,81	14,98	0,49	2,26
1992 йилининг шу кунда	1,01	7,15	0,20	0,79
ШУ ЖУМЛАДАН НИГЧИКА ТОЛАЛИ ПАХТА	—	—	—	—
Сурхондарё	2,05	22,21	—	—
Наманган	0,68	2,43	—	—
Қашқадарё	0,33	1,56	—	—
Андижон	—	—	—	—
Бухоро	—	—	—	—
Навоий	—	—	—	—
Ўзбекистон Республикаси	1,64	17,29	—	—
1992 йилининг шу кунда	0,71	0,26	—	—



ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Республикада ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганидан буён ўтказилган 4-Республика илмий амалий конференцияси Тошкент Давлат аграр университетининг илмий кенгашида залда бўлиб ўтди. Конференцияда Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий текшириш институтлари, 30 дан ортиқ олий ўқув юрталари ва ўндан ортиқ ўрта махсус ўқув юрталарида 80 га яқин профессор-ўқитувчилар иштирок этди. Якунлуқ конференция иштирокчилари университет ҳаёти билан танишдилар.

ЕШЛАР ЖАМҒАРМАСИ ТУЗИЛДИ

Қашқадарё вилояти Янкабоб туман ешлари ўз жамғармасига эга бўлди. Туман Ешлар Иттифоқи қўмитасининг ақнида бўлиб ўтган пленумида шу ҳақда қарор қабул қилинди. Пленумда сўзга чиққан туман Ешлар Иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби Бозор Азизов Янгит-қизлар онгиди миллий истиқлол туйғулари шакллантириш ҳамда уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда шундай жамғарма зарурлиги тўғрисида гапирди. (Ўз мухбирининг).

ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Самарқанд вилояти Булунгур район «Ешлик» ашула ва рақс халқ ансамбли ижодий жамоаси «Оқ олтин карвон-нарсон» деб номланган янги мусиқий дастур тайёрлаб район пахтакорлари ҳузурида намоиш этди. Соҳиллар, Ўзбекистон истиқлоли, дала меҳнатчилари тарихини эътибордан олган қизилорди билан кутиб олинмоқда. Дастурдаги ўрин олган ватан ҳақидаги шерлар, класик шонларининг гасаллари ҳам қўшилганга ҳаммадангиз билан концертга ўзгача тароват бағишлаган. Ҳаваскор артистлардан Тонибой Алдояров, Ўринбой Қотамов, Ўлмас Дўстуровлов, Ҳайдар Хушвақтов, Фотима ва Зухра Турсуновалар ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар, мафтункор рақслар томошабинлар томонидан олдилар билан кутиб олинди.

Саложиддин СИРОЖИДИНОВ.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ҲАРБИЙ ВА МУҚОВИЛ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИ НИ ЎТАГАН ШАХСЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР, ЧЕГАРА ВА ИЧКИ ҚУШИНЛАР САФИДАН БУШАТИШ ВА ФУҚАРАДОРНИ НАВБАТДАГИ ҲАРБИЙ ВА МУҚОВИЛ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат ҳақида» ва «Муқовил хизмат ҳақида»ги қонунарига биноан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ҳарбий ва муқовил хизматининг белгиланган муддатларини ўтаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қуроли кучлари, чегара ва ички қўшинлари сафидан бушатилади.
2. 1993 йил ноябрь—декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасининг 1986—1975 йилларда туғилган ва чақирдиқдан қолдириш ҳуқуқи бўлмаган фуқаролари ҳарбий ва муқовил хизматга чақирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1993 йил 23 сентябрь.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

3. И. ЕСЕНБОВНИ ЎЗБЕК ИСТИҚЛОЛ МАТБУОТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИ ЖАМҒАРМА ТУЗҚАН РУВИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади: Энди Исламович Есенбов Ўзбекистон Республикаси матбуоти қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқарувининг раиси этиб тайинлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1993 йил 24 сентябрь.




Дардимга малҳам ҳамшира

Пойтахтнинг «Баҳор» концерт залига шаҳар ҳамшираларининг кўрик ташлови бўлиб ўтди. Қўрин-танлов очилишида Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни Сақлаш вазирлиги Шайхон Каримов, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошқалиқ Қўлаҳмад Риёзларга сўз берилди. Улар ҳамшираларга «Оқ йўл» тиланиш ҳамда ҳанамлар ҳайъатидан тиббий ҳодимларни маҳоратларига ҳаққонини одил баҳо беришларини сўради. Мусобақа бошланди. Ҳамширалар шартлари кўрсатилган савол ва талабларга жавоб бердилар. Уларнинг ўз касбларига оид махсус билимлари, амалий фаолияти ва бадиий ҳаваскорлиги маҳоратлари 10 балли система асосида баҳолаб берилди. Деярли 3 соат мобайнида ҳамширалар шаҳарнинг энг яхши тиббиёт ходими номини олиш учун беллашдилар. Ва ниҳоят гўлиб аниқланди. У Шайхонтоҳур туманидаги Абу Али ибн Сино номи 1-шаҳар клинини касалхонаси ҳамшираси Камолатону Хасанова бўлди. Ҳамшираларнинг ҳар бирига Тошкент ананция ишлаб чиқар

риш бирлашмаси болалар арвақасини совға қилди. Шунингдек, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Урта Осиё» кабел ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Фатон» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, Наврўз республика хайрия жамғармаси, Республика маҳалла жамғармаси, Шаҳар Ешлар Иттифоқи Қўмитаси каби бир қанча ташкилотлар мусобақа ҳомиеси бўдилар. Улар ҳамшираларга ўз савгаларини ҳади этишди.



СУРАТЛАРДА: «Ҳамшира-83» шаҳар беллашувидан лавҳалар.



● ГВАТЕМАЛ А президенти Хорхе Серрано шу йил май ойида парламентни тарқатиб юборган, конституцияни тўхтатиб қўйган эди. Аммо мамлакатда оқошталлик бўлмади. Уни ҳеч ким қўллаб-қувватламади. Ҳозир у Панамада яшайиб юрди.

● ОЛМОНИЯНИНГ «Фольксваген» ва Чехиянинг «Шкода» автомобил концернлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланиши керак эди. Афсуски, сўнгги баҳда «Фольксваген» бу битимдан воз келди. Экспертларнинг фикрича, бунинг учун Чехия ҳукумати айдор. Нията бўлганда ҳам «Шкода» концерни «Фольксваген» дан оладиган бир ярим миллион маркадан кўпроқ қолди.

● АКШ конгресси сенати Билл Клинтон маъмуриятининг 130 та ва яна 45 та ҳарбий базадан бошқа мақсадалар учун фойдаланиш тўғрисидаги тақлифини маъқуллади.

● КОМБОДЖА ДА яна монархия тикланди. Таъсис этувчи мажлис маъқуллаган янги конституция лойиҳасида шундай банд бор. Конституция 24 сентябрда кучга кирди. Шу муносабат билан Хитойда дөвланаётган шаҳзода Нородом Сианук мамлакат пойтахтига қайтаб келди.

● АНГОЛА ҳукумати УНИТА туруқларига қарши жазо чораларини қўйдиришга қарор қилди. Бу туруқлар мамлакатнинг бир қанча жойларида кенг қамровли уруш ҳаракатларини олиб бормоқда. Луанда маъмурият вакили Алдемиру Ваз де Консейсаунинг таъкидлашича, ҳозирги пайтда УНИТАнинг банклар ва ҳисоб рақамларини беқирини жуда муҳимдир.

Маълумки, Бразилда Миллауэр Ташкилотининг УНИТАга нисбатан ҳалқаро миқёсдаги текловлари 28 сентябрдан бошлаб кучга кирди. Бу чора билан ва курул-яроғ етказиб бермасликни кўзда тутилади.

● КУБА раҳбари Фидел Кастро мамлакат аҳолисини «Хозирги оғир вазиятда инқилобчилар сифиди жинслагиларга» қарши Ф. Кастронинг никелини ҳимоя қилиш ташкилоти (ИХТ) аниқлиги ёпилишига сўзлаган нутқи шу мавзуга бағишланди.


Кубаниннг ҳар бир даҳасида фаоллат кўрсатаётган макур ташкилот аъзолари сон, расийни маълумотларга кўра, 7 миллиондан ортиқдир. Мамлакатнинг жами аҳолисини эса 11 миллион кишидан иборат.

● БОМБЕЙ шаҳрида узоқ давом этган кутилмаётсизликнинг 20 кунини ҳалок бўлди. Ҳиндистон ахборот мақомадини ҳабар беришича, уларнинг кўпчилиги жала оқибатда қўлга олиниб қўйилган. Табиий офатдан саноат корхоналари ҳам қатта зарар кўрди. Ишчилар ишга чиқмапти. Транспорт воситалари ҳаракати, мактаб ва коллежлардаги машғулотлар тўхтатиб қўйилган.

«САЙЁХ» ЎҒРИ УШЛАНДИ

Риштон тумани ички ишлар бўлими давлат автомобил назорати ходимлари «сайёх» ўғрини қўлга туширди.

...Қўқон-Фарғона автомобил йўлида катта тезликда бораётган автомобилнинг пост ходимларида шубҳа уяғди. Машина тўхтатиб, ҳайдовчининг ҳужжати текширилди: унинг кўришни қидириётган жейбига ўқиб кетарди. Бу кимса туман ички ишлар бўлимига олиб келинди. Унинг ёнидан наркотик модда топилди.



Бугунги кундаги айрим муаммолар жамиятимизда жиноятчиликнинг ўсишига сабаб бўлмоқда. Айниқса иқтисодий қийинчиликлар сабабли ўғирликлар, фирбгарликлар, чайқовчилик ҳолатлари биров орти. Бу эса жойларда меҳнаткаш халқимизнинг норозиликларига сабаб бўлди. Бунинг ўз вақтида билган республикамиз Президентини жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида алоҳида кўрсатма берди. Мамлакатимизнинг ҳудудидо бу борада катта ишлар амалга оширилмоқда. Халқимиз бунинг сезиб турибди. Яқинда жамоатчи муҳбирини Галлаорол туманида бўлиб, туман суди раиси вазифасини бажарувчи Зиёдулла ШУКУРОВ билан суҳбатлашиб қайтди.

— Зиёдулла ака, туманда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш қандай борапти? Сизнинг назарингизда бу ишларни қоникарли деса бўладики?



— Тўғриси, бугунги кунда элимизнинг тинчлигидан ва оқошталлигидан муҳимроқ нарсаниннг ўзи йўқ. Қаредани хотиржамлик бўлар экан уша ерда меҳнат унвдорлиги бўлади. Меҳнат қилинган жойда дастурхон тўқин, юрт фаровон кучи нечиради. Бунинг ҳаммасини яхши биламиз. Афсуски, жамиятимизда ўзгалар ҳақида ҳиёнат қилувчилар ҳам йўқ эмас.

Туманимизда жиноятчиликнинг олдини олиш тўғрисида тўхталган бўлсам, катта ишларни амалга оширишимиз. Аммо, ҳамма ишлар аъло даражада демоқчи эмасман. Афсуски, туманимизда ўғирликлар, давлат мулкига кўз олайтиришлар, фирбгарликлар каби жиноятнинг турлари кўпроқ содир бўлиб турибди. Уларнинг олдини олиш учун туман ҳокимлиги ИИБ, прокуратура, суд ходимлари биргаликда бир ёнадан бош чиқариб меҳнат қилапти.

— Жиноятлар содир бўлиб турибди, — дедингиз. Бунинг сабаблари борми?

— Албатта. Сабабсиз оқибат бўлмайди деган гап бор. Туманимиз мисолида айтадиган бўлсам кейинги йилларда ёшлар ўртасида ўғирлик қилиш кескин ўсди. Сабаби туманимизда бекорчи

ёшлар жуда кўп. Уларни иш билан таъминлашда аниқгина муаммолар бор. Яна бир томони туманимизда етанчи соҳа — дончилик ва чорвачилик. Катта хўжаликлардаги асосий ишларни янмиш 150—200 киши уйдаяпти. Чорвачиликда ҳам шу. Шундай экан ҳар бир хўжаликдаги 40—50 минг қўйни 70—80 чўпон боқди.

Туманимиз ҳудуди яхитдан ҳам вилотда олдинги ўринларда туради. 120 мингдан ортиқ аҳоли бор. Туманда ҳар йили қанчалар ўқувчилар мактабларни битиради. Ҳар бир ёшнинг яхши кийиниши, еб-ичгиси келадди. Хўжаликларда иш ўринлари муаммо. Туман ҳокимлиги Маржонбулоқдаги бир қанча ташкилотларга бекорчи ёшларни жалб қилапти. Аммо, ишсиз ёшлар турли жиноятларни содир қилмоқдалар. Яқинда туман халқ суди

биносидо икки нафар мол ўғирсининг жиноий ишнни кўриб чиқди. Улардан бири 1972 йил туғилган Абдуғани Караманов, иккинчиси 1965 йилда туғилган Хасан Нулибоевлардир. Икки шоввоз туман ҳудудидоги Амир Темур ширкатидаги Маданият қишлоғидаги фермасига келиб молбоқарларнинг йўқлигиндан фойдаланиб иккита молни ўғирлаб кетди. «Ишбилармон»лар молларни сўйиб Жиззах шаҳрига олиб бориб пуллайдилар.

— Тўғриси, жазолаш билан ўғирликларни намайтириб бўлмайпти. Шунинг учун прокуратура ва милиция ходимлари билан заводларда, фабрикаларда, хўжаликларда бўлиб жиноятчиликнинг олдини олиш борадида суҳбатлар, уграшувлар уюштироқдамиз.

— Текинхўр қўлга тушган, олди суд томонидан ўз жазосини олиши муқаррар. Аммо «хизмат»дан сўғ яна эски «касалатининг» кўзиб қолмасликга ҳеч ким қаролат бормайди.

— Бу гапингиз тўғри. Жиноятга қўл ураётганларнинг кўпчилиги «ўтириб» келганлар. Бир нарсани айтишни шарт деб ўйлайман. Ҳеч кимни қамоқ билан тарбиялаб бўлмайди. «Ўтириб» келганларнинг устидан алоҳи-



ОЛТИН КУЗ ТАРОВАТИ

ЮРТИМИЗДА олтин куз кезмоқда. Ўзининг бутун борлиги, файзу-таровати, саховати, тўқинчилиги билан қонадорларга барака, дастурхонларга кўр киритмоқда. Бу кузнинг ҳам ўзгача рамзин бор. У истиқлолнинг иккинчи кузи.

Бутун ўлкамиз далаларида саховатли деҳқонлар, соҳибқорлар йил бўйи етиштирилган ҳосилни йиғиб териб олиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Шулар орасида ургутликлар ўз тамакиларини йиғиш билан машғул бўлсалар, Ҳайдун соҳили заршунослари дунёга донни кетган қовулларини сарништаш билан банд.

Ургут туманининг Облоқул Узоқов номи жамоа хўжалигидаги Сатторов-

лар оилавий звеноси тамакичилари ҳосилни йиғиштиришга киришганларига аниқ бўлди. Хўжаликда бу йил жами 1400 тонна сара тамаки барги тайёрланди. Чапдаги суратда Юлдуз, Ойдин, Маҳбуба Саттороваларни далада кўриб турибсиз.

Юқорида айтганимиздек Аму соҳилларида экилган қовуллар ҳам ҳосил берди. Хоразмнинг қовулларини бир марта татиб кўрган киши йил давомида хасталик нималигини билмайди. Мана бу қизлар юзидаги табассум ана шу қовулларнинг тотлигидан бўлса ажаб эмас.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) ва Ж. ҚОҶОҚОВ олган суратлар.

ДЎСТЛИК ОВОЗИ

Тошкентдан уйғур, инглиз ва форс тилларида «Қадрлик дўстло», «Диа фрейд», «Шенавандагон мухтарам» деган самимий сўзлар ҳаво тўқинларида янграганига 45 йилдан ортиқ вақт ўтди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин ташкил қилинган бу муҳарририятлар олдига маъруза уюштирилди. Бирок уларнинг овози ёши ва уни ҳавога тарқатиш аппаратларининг таъсири муаммолари ҳам мавжуд эди. Мутахассисларнинг етишмаслиги туфайли эшиттиришларнинг ҳамми кам бўлган. Лекин шунга қарамадан радио ходимлари ўз тингловчиларидан ижобий махтублар олиб, уларнинг эҳтиромига сазовор бўлиб, кўпгина дўстлар орттирди.

Бугунги кунда ўз тарихини эслаган ҳоразми авлод бу ишга биринчилар қаторида қўл урган ва қалам тебратган ташаббускор ҳезовлар бўлиши йилнинг шароити билан олим А. Бобоқўнаев, А. Галимов, М. Мамедов, Ф. Нажминов, У. Иброҳимов, Х. Худойбердиев уйғур ва инглиз тилларида эшиттиришлар муҳарририятларининг қатнашувчилари Ю. Запоров билан Г. Абдурашидов, таржимонлар Ф. Гасанбеков, С. Баҳромий, Е. Киттелларга ўз эҳтиропларини изҳор қилдилар.

Бугунги кунда келиб, Ўзбекистон Давлат телерадио компаниясининг раиси Шавкат Йўсубов очиб, радиожурналистларни қизғин табриқлади ва журналистлар олдига турган муҳим вазифалар ҳақида батафсил сўзлаб берди.

24 сентябрь кунги хоржий мамлакатларида эшиттирилган Республика радиоси жамоаси юқорида тилга олинган муҳарририятлар ташкил қилинганлигининг 45 йиллигини тантанали нишонладилар.

Ингилиз тилида Ўзбекистон телерадио компаниясининг раиси Шавкат Йўсубов очиб, радиожурналистларни қизғин табриқлади ва журналистлар олдига турган муҳим вазифалар ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Сухбатдош
У. ПУЛАТОВ.

Я. МИРЗАЕВ.

Лоқайдлик—ҳаётимиз душмани

лар. Аммо, луқманга ҳазм қилиш ўғирларга насиб қилмайди. Сир фой бўлиб икки ўғри қўлга олиниб, сўйилган молларнинг териси ва гўштининг пуллари далилий ашё сифатида топилди. Ҳар икки ўғри эса ўз жазосини олди. Аммо, тўғриси, жазолаш билан ўғирликларни намайтириб бўлмайпти. Шунинг учун прокуратура ва милиция ходимлари билан заводларда, фабрикаларда, хўжаликларда бўлиб жиноятчиликнинг олдини олиш борадида суҳбатлар, уграшувлар уюштироқдамиз.

— Ҳақиқатан ҳам бизнинг миллий урф-одатларимизга ёт бўлган европача қонунарга бўйсуниб яшадик. Мустақиллигимиз шарофати туфайли кўпгина қонулар қайта тайёрланмоқда. Ваъзиларига ўзгартирилиб киритилмоқда. Яқин йиллар ичида ҳуқуқшуносларимиз бақувват, лишиқ-пухта ишланган қонунларга эга бўладилар. Ана

шундагина ўйлайманки, юқори ташкилотларга шикоят-бозилар қамаяди. Ҳозир мамлакатимиз янги даврга ўтиш палласини бошидан кечиряпти. Бу даврда ўзига яраша муаммолар бўлиши табиий. Республикаимиздаги адолат посдон судларининг ишлари учун адлия вазирини Алишер Мардиев, Республика Олий суди раиси Убайдулла Мингбоевлар қўлларидан келган барча ёрдамларини аймақларга, Яқинда ўз ишнни тутатган Республика Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида «Судлар тўғриси»даги қонун қабул қилинди. Бу судларимиз учун дастуруламал бўлади деб ўйлайман.

— Судлар адолат тарозини ушлаган қишлар. Улар ҳалол бўлишлари шарт. Афсуски, баъзи жабрланувчилар «суд айбдорга кам жазо берди» деса, баъзан айбдорлар «суд менга қўпроқ жазо тайинлади» деб қўроқ ташкилотларга ё-ё қилишадди.

— Судлар қонун ҳосида ҳақлари йўқ. Халқимизда етти ўлаб бир кес деган нақл бор. Президентимиз И. Каримовнинг «Халқ очликка, ноқорликка, ҳамма нарсасида чидиш мумкин. Лекин билиб қўйинлар, адолатсизликка чидмайди» деган пурмаёно сўзларини судлар қалбларига жо қилишлари керак.

Кейинги пайтларда вақтли матбуотлардаги кўпгина чиқишларда судларни жиноятчиларга жазо тайинлашда раҳмдиллик қилапти дегилляпти. Жиноятчиликка қарши курашда — энг асосий иш жиноятчининг муносиб қонуний жазоланди. У ким бўлишидан ва қандай вазифа ишлашидан қатъий назар, қилмишига яраша «ҳақини олиши шарт. Мустақил давлатимизнинг келажигини ўйлаган ҳар бир соҳа ҳодими биринчи навбатда ўз ишга янқадан ёндошмоғи керак. Ана шундагина ҳуқуқий давлат қурамай.

САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ ЯНА САФАРДА

Эгу ният — эл юрт саломатлигига хизмат қилиш учун Республика экология ва саломатлик жамғармаси фаоллари мана учинчи бор махсус саломатлик поездида сафарга чиқдилар. «ЭКОСАН» — «Соғлом авлод учун» сўзлари битилган беш вагондан иборат бу кўча шифохона ва илмий муассаса Бухоро ва Навоий лопларни томон йўл олдди. Республикаимизнинг экологик тенг аҳолидан минтакалари ҳисобланган Оролбўён аҳолиси, Қорақалпоғистон, Сурхондарё, қашқадарёлик ўн минглаб юрдошларимиз са-

ломатлигига мададкор бўлган жамғарма томонидан уюштирилган поезд жезондаги ағона саломатлик поезди бўлиб, одамлар унинг ташкилини домго катта умид билан кутдилар. Навбатдаги сафар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғидаги фан докторларидан иборат катта гуруҳ иштироки билан илгирчиларидан фарқли қаторида Ана шундай фанлари докторлари У. А. Асқаров, И. И. Салимов, Т. К. Иброҳимов, Ҳ. А. Ҳошимов ва киб кирик фан номандалари ва мутахассислар

бор. Поезд ўзи билан турли дорн-дармонларни, табобат асбобларини ҳам олиб кетди. Улар жойлардаги кам таъминланган оилалар аъзоларига топширилади. Ҳиндистон элчиносини бу мақсадларга беш хилдаги таъсирдорликни ажратди. Саломатлик позиди бошлиғи, республика кўча шифохона-эпидемиология хизмати бош шифохона ўринбосари Нуриддин Муҳиддинов, икки ҳафта мобайнида юқори малакали терапевт-гастроэнтерологлар, эндрокринологлар, болалар шифокорлари, офтальмолог, кардиолог, акушер-гинеколог, эндоскопчилар қатори тарғиботчи гигиеначилар, экологлар ҳам фаолият кўрсатадилар. Айниқса, болалар саломатлигига катта эътибор берилди.

Яқинда мамлакатимизда «Мустақиллик, Экология ва халқ саломатлиги» кўчи ташкил этилган қилнинг эди. Саломатлик поезди аъзолари жойларда уни самарали ташкил этиш, унинг боришини мухазши ва зарур ёрдам чораларини кўриш ишларини ҳам амалга оширдилар. «ЭКОСАН» матбуот котиби.

ҚИЛМИШИГА ЯРАША

«Оқ олтин» туманидаги божхона пости ходимлари кетма-кет келаятган «КА-МА» машиналарини тўхта-

Текшириш натижасида макур шахс Олтинга туманида истиқомат қилувчи, илгари судланган М. Ёқубов экани маълум бўлди. У Риштон шаҳридаги қори Аҳбор кўчасида яшовчи Р. Жў-

Еқубовиники эканини кўрсатди. Аниқланишича, «сайёх» Риштондаги, Олтинга, Фарғона ва Охунбобоев туманларидаги бир неча хонадонга ҳам «қадам ран-

типти. Тожинистоннинг Ленини туманидаги 1-автокорхонага қарашли юк машиналари текширилганда уларда жами 32 тонна ипез борлиги аниқланди. Ҳайдовчилар

Р. КАМОЛОВ, ЎзА муҳбири.

Жиноят ва жазо

раева ҳамда Охунбобоев кўчасида яшовчи З. Усмонова хонадонидан қимматбаҳо буюмлар, радио ва телеаппаратларини олиб чиқиб кетган. Ўғирлик содир этилган жойдаги барноқ илзари М.

Шифокорлар ҳамкорлиги

Амриқо халқаро соғлиқни сақлаш уюшмаси ва Чикаго шаҳридаги Иллиной университетини делегацияси Тошкент Давлат 2-тиббёт институтига бўлиб, уч кун давомида илмийнинг ўқув жараёни билан танишди.



25 сентябрь кунги институт биносида амриқолик меҳмонларнинг олий ўқув юрти маъмурияти, профессор-ўқитувчилари ҳамда журналистлар билан учрашув бўлиб ўтди. Институт ректори Ҳамид Қаримов Тошкент ва Иллиной илм-гоҳларининг ҳамкорлик алоқалари, жумладан, икки олий ўқув юрти ўртасида маърузачилар ва ёзма маъруза матнларини алмашиш, талабаларнинг дўстона алоқаларини мустаҳкамлаш ҳусусида сўзлади.

— Она билан бола ҳар қандай жамиятнинг асосидир. — деди делегация раҳбари, неонтология халқаро дастури мувофиқлаштирувчи доктор Видсагар. — Шунинг учун ҳам фаолитимизнинг дастлабки менаути саналадиган халқаро неуронтология маркази яратиб

халқаро соғлиқни сақлаш уюшмасининг Марказий давлатлари бўйича минтақавий вакили М. Лифстед ҳам учрашув қатнашчиларини қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Суҳбат давомида Тошкент—Чикаго халқаро дастури мувофиқлаштирувчиси Ж. Женингс ва Амриқо

СУРАТДА: учрашувдан (ЎзА).

М. АМИН суради.

Элбек туғилганига 95 йил тўлди

Машриқ Юнус Угли Элбек XX аср бошларида адабий, педагогик фаолияти бошлаб, 20—30-йилларда жуда сермахсул ва серғайрат бир зинди сифатида халқимиз ўртасида танилди. У ўз ҳаёти ва фаолияти асосан ёшлар таълим-тарбиясига бағишлади, мактаб, маориф ишларида узлуksиз иштирок этди. Шу билан бир муттасил илмий ва ижодий иш билан шуғулланди. Юзлаб шеър, қўшиқ ва хикоялар яратди, қатор дарсликлар, тил ва адабиётдан қўлланмалар, ўқиб китоблар, хрестоматиялар тузди.

да, яъни аксари араб, форс тилларидаги китоблар ўқиб ўз тилларининг миллий фазилатларидан беҳабар қолдилар. Мана энди ўзбек тилида китоблар яратилди, шу тилда таълим оладилар», деган фикри баён қилинади. Бинобарин, бу янги очилётган мактабларга кўплаб болаларни жалб этиш лозимлигини уқтиради. Китобнинг дастлабки саҳифасида буюк бобомиз Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида болалар тушунадиган даражада содда бир услуб, равои ёшлар билан маълумот берилган.

онига синдириш ва шунинг учун ҳам «буюк бобомиз» деб аташга даъват этиш — айна даврда жуда катта қаҳрамонлик эди. Бу Элбек иймон-эътиқодининг мустақамлиги, миллий ҳис-туғусини энг оғир давларда ҳам сақлаб қолганлигини намоян қилади. Яъни ҳамма мерослардан кечинча даъват этиб турган қизил империянинг даҳшатли таҳдидлари ҳам Элбекни маънавий меросдан воз кечинча, таълим-тарбия ишларини унда ажратиб ташлашга мажбур қила олмади.

Биз Элбекнинг кенг қўламли зинди, жуда сермахсул ва серғайрат ижодкор деб изоҳладик. Бу жиҳатдан унинг болалар тарбияси, халқ таълими-тарбияси ботида катта аҳамият касб этган қатор эртан ва масалларини ҳам кўзда тутамиз. Элбек халқ эрталари, латифалар, ривоятлар хазинаси заминидан болалар тарбиясига ёндашишда ҳам катта иш қўсатди. Замондошлари орасида маориф ва таълим-тарбия соҳасида энг кўп жон куйдирган ҳаёти ва ижодининг катта қисмини шунга бағишлаган ёзувчи ҳам Элбек бўлди.



ҚАЙСИ ҚУЙНИ ИЖРО ЭТАЙ?

М. АМИН сурати.

УЛЬТРАВИСТ МОДДАСИ ЁРДАМИДА МУОЛАЖА

Ўзбекистон тиббиётчилари Германия «Шеринг АО» фирмасининг рентгенологияда қўлланиладиган ультравист моддаси ёрдамида онкология ва бошқа касалликлар устида радиология тадқиқотлари ўтказишни муваффақиятли бошладилар. Республика Соғлиқни сақлаш вазири ва Германия мутахассислари томонидан Тошкентда уюштирилган халқаро симпозиумда ана шу янги моддани даъволаш муассасаларида қўллаш муаммолари муҳокама қилинди. Симпозиумда республикадаги кўпгина илмий марказларнинг, Россия, Қозғистон, Туркменистон, Қирғизистон ва МДХнинг бошқа мамлакатлари тиббиёт олимлари қатнашдилар.

«Шеринг АО» фирмасининг бу моддаси бутун дунёга машҳурдир. Ўзбекистоннинг бир қатор даъволаш муассасаларида, жумладан биринчи ва иккинчи Тошкент тиббиёт институтлари клиникаларида, Республика урология маркази, акушерлик ва гинекология илмий тадқиқот институтида ультравист моддасини синбаб кўриш муваффақиятли ўтди. У бутунлай зарарсиз бўлиб, беморларни безовта қилмайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон тиббиётчилари ультравистга катта умид боғламоқдалар. (ЎЗА мухбири).

Зулумотда чақнаган зинди

1925 йилда нашр этилган «Елчилар» номида китоб Элбек ижодида алоҳида ўрин тутди. Бунга шунинг кўнгина шеърлари билан бирга ўткир, зиндиётчи воқеа-ҳодисаларни бадиий ифода этган қатор эрталари ҳам кирган. 20-йилларда Ёзилди, Туркистон халқлари дустлиги, бир тан, бир жон бўлиб яшаш сингари энг буюк гоёни эртакнамо шаклда бадиий ифода этиш айна бугунги кунларда биз орау қилаётган фикр-мулоҳазалар билан узвий боғланиб кетиши мазкур асарга абадийлик бахш этди. Бунда Элбек Туркистон ўлкаси парчалаб ташланганлигидан изтироб чекади, гарчи «кекса Туркистон» ўлаётган бўлсада, халқлар ўртасида нифоқ чиқармаслик ҳақида ўйлайди, Ўрта Осиё халқларини яқинликка даъват этди. Шу гоёси билан асар худди бугун ёзилгандай ўз бадиий ва тарбиявий аҳамиятини янада юқорироқ кўтарди деса бўлади.

«Эски мактабда ўқилатурган китобнинг биға нима кераги бор, деб эски мактабга қарши бўлганимиз каби китобларга ҳам қарши бўлганимиз. Эски мактаб ўқитувчиларининг «Навоий» отогон китобини ёзувчи «Навоий» деган кишидир. Бу киши бизнинг энг улду ва биринчи шоримиз. Навоийнинг вақтида биздан етишган ёзувчилар, тилимизни ёрорли адабий эмас, деб ўзга элларнинг тилида асар ёзар эдилар. Элимиз, ўз тилида ёзилган асар йўқлигини учун адабиётдан узоқда қолган эди. Навоий эса, бу фикрга қарши чиқди. Тилимиз адабий, ҳам бой дедди. Ўз тилида кўп асарлар ёзиб, бу даъвосининг тўғрилигини кўрсатди. Адабиётга элимизни яқинлаштирди. Сўзини қисқаси, Навоий адабиёт ва тилимизга кўп хизмат қилди. Навоийнинг шу хизматларини кўзда тутиб, биз уни сулимиз ҳам «уду бобомиз» деймиз».

Элтибор қилинг, Элбекдан келтирилган кўчирманинг ҳожири суҳбатимиз учун энг алоқадор ери — 1922 йилда она тилини ҳимоя қилиш, эски мактабга қарши кураш эски китобларга, яъни маънавий меросимизга ҳам қарши кураш деган сўз эмаслигини уқтиради. Навоийнинг тилимиз ва адабиётимиздаги хизматларига эҳтиром билан қараш, унинг буюк сиймо эканлигини ёшлар, болалар

ЎТМИШ ДАРАКЧИЛАРИ

Маманган вилоятининг манда олиб борилган археология қидирувлари билан Поп туманидаги ўлкашунослик музейида намойиш этилаётган буюклардан попликлар жонажон заминнинг бой тарихи тўғрисида кўпгина қизиқарли маълумотларни билди олишлари мумкин. Музей залларига 700 га қадимги қишлоқ бўлган. Уларнинг кўп қисми шу ту-

ҚОЗОҚ ҚИРГИЗ, ТУРКМАНИ МЕН УЛАМАН, УЛИШИМ

Қозоқ қирғиз, туркманни Мен уламан, Улишим Улигимда билинган. Ўқидир барча молиғиз Оронгизда бўлганган, Кўзим тирик чоқда мен Барча молни бўлайин, Ўз қайсингизга тегиш Энгингизни берайин. Деб қақирин болалар, Энди ҳафа бўлмангиз, Ундан сунг унутманг! Мени хар чоқ эславтигиз! Э, вох!

ДЕБ ЧОЛ БОБО ҚАНГУЛИ

Товуш билан оқ торган, Узи эмас, Узи-ла Борлиқинда йиллатган... Белгиланган молларнинг Барчасини бўлганлар. Болалари энгисин Қолдирайин олганлар. Бироқ қайси боласи Бу энгига кўнманган, Бир-бири-ла тортишиб Отасига йнлаган. Кекса Туркистон бобо Бу ҳолларни кўрганда Тиши тушган озгани Эчиб аччиқ бир кулган. Эчиб узра довланган, Теода битар бул энчи. Хар ким тиришчоқ бўлса, Узи топар молнин. Йлқов ўғилларининг Кимлар тинглар зорини? Э, вох!

ДЕБ БОЯКИШ ОҚ ТОРТАН

Узин бир четта ортан. Болаларга қарамай, Узи унда жим ётган... Элбек меросини жийдий ўрганган, унинг 20-йиллар ўзбек адабиётининг муносив ўрнини қолдирди. Адабиётимиздаги муносив ўрнини қолдирди. Адабиётимиздаги муносив ўрнини қолдирди. Адабиётимиздаги муносив ўрнини қолдирди.

(ЎЗА мухбири).

ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ЧИҚИДИДАН ХОМ АШЁ

Сарлавахда айтилгандек чиқиндидан хом ашё олиш дунёга чиқиниш ният қилган ва бу йўлда жийдий ишлар бошлаган ҳар бир давлатнинг асосий юмушларидан биридир. Мустақил Ўзбекистоннинг бу йўлдаги оғирини энгил қилдиган масканлардан бири — Киёв технология институтини. Бу дароҳнинг физиканги қимё ва электро-қимёвий ишлаб чиқариш технологияси кафедраси мудири, профессор Фарҳод ҚУРБОНОВ билан бўлган суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

Фарҳод ака, аввало кафедрани фаолият ҳақида қисқача гапириб берсангиз!

Шуни айтиш керакки, илмгоҳимиз Ўрта Осиёда ягона. Электро-қимёвий ишлаб чиқариш технологияси бўйича мутахассислар тайيارлаймиз. Талабаларимиз турли органик ва ноорганик моддаларни электр энергияси ёрдамида ажратиб олиш усулларини ўрганадилар. Укува ишларидан тақдирли кафедранимизда жуда катта илмий ишлар бошлаб юборилди, буни мустақилликнинг шарофати десек адашмаймиз. Ҳозир Ўзбекистоннинг ўзида ишлаб чиқариладиган хом ашё ва чиқиндилардан халқ ўзалиғи учун зарур бўлган буюмлар ишлаб чиқариш устида қатор илмий изланишлар олиб боряпмиз.

модалар олинди. Бу модалар ҳам шу пайтгача четдан келтирилди. Энди гап бу ишларни санаят микёсига кўчириб олишда қолди.

Фарҳод ака, аввало кафедрани фаолият ҳақида қисқача гапириб берсангиз!

Шуни айтиш керакки, илмгоҳимиз Ўрта Осиёда ягона. Электро-қимёвий ишлаб чиқариш технологияси бўйича мутахассислар тайيارлаймиз. Талабаларимиз турли органик ва ноорганик моддаларни электр энергияси ёрдамида ажратиб олиш усулларини ўрганадилар. Укува ишларидан тақдирли кафедранимизда жуда катта илмий ишлар бошлаб юборилди, буни мустақилликнинг шарофати десек адашмаймиз. Ҳозир Ўзбекистоннинг ўзида ишлаб чиқариладиган хом ашё ва чиқиндилардан халқ ўзалиғи учун зарур бўлган буюмлар ишлаб чиқариш устида қатор илмий изланишлар олиб боряпмиз.

натижи сақлаб қолди. Бу мувозанатни бузувчилар эса, жуда кўп. Биргина Чирчиқдаги корпоратив ишлаб чиқариш кўшма корхонасининг ўзида, йилга 20 минг тонна чиқинди чиқар ва у дам олиш маскани бўлмиш Бўстонлик атрофида ёки юборилари. Биз шу корпоративнинг қолдирган (6—8 тоннасида 3 тонна атрофида) тоза бензой кислотани олиш мумкинлигини исботладик. Бу кислотани шу корхонадан бу хом ашё Россия сўм тўлаб келтирилади эди. Демак, шу ерининг ўзида халқ ўзалиғимиз учун 600 миллион сўмлик соф фойда кўрилиши мумкин экан.

— Буни қарангки, ана шу чиқиндининг чиқиндисидан илмгоҳ илмий бўлими қошида ишлаб чиқарилган антифризга ингибитор сифатида қўшилганда, автомобиль моторини зағлатмайдиган зарур

— Акриланиш бошда қимё асри дедик, сўнг атом асри деб атай бошладик. Кейинчалик табиятнинг бузилишида фақат қимё айдордек, бу термин ҳам назардан қолгандек.

— Фиркингизни тушундим. Бизнинг ҳам бирчамлик мақсадимиз — она табият мувозанатини сақлаб қолди.

— Шунча боилини қўзика соуврайтган эканимиз-да!

— Бу ҳаммаси эмас. Шу бензой кислота лабораторияда ишлаб чиқарилган антифризга ингибитор сифатида қўшилганда, автомобиль моторини зағлатмайдиган зарур

— Бу ҳаммаси эмас. Шу бензой кислота лабораторияда ишлаб чиқарилган антифризга ингибитор сифатида қўшилганда, автомобиль моторини зағлатмайдиган зарур

— Шунча боилини қўзика соуврайтган эканимиз-да!

— Буни қарангки, ана шу чиқиндининг чиқиндисидан илмгоҳ илмий бўлими қошида ишлаб чиқарилган антифризга ингибитор сифатида қўшилганда, автомобиль моторини зағлатмайдиган зарур

— Буни қарангки, ана шу чиқиндининг чиқиндисидан илмгоҳ илмий бўлими қошида ишлаб чиқарилган антифризга ингибитор сифатида қўшилганда, автомобиль моторини зағлатмайдиган зарур

— Фиркингизни тушундим. Бизнинг ҳам бирчамлик мақсадимиз — она табият мувозанатини сақлаб қолди.

— Шунча боилини қўзика соуврайтган эканимиз-да!

— Буни қарангки, ана шу чиқиндининг чиқиндисидан илмгоҳ илмий бўлими қошида ишлаб чиқарилган антифризга ингибитор сифатида қўшилганда, автомобиль моторини зағлатмайдиган зарур

— Буни қарангки, ана шу чиқиндининг чиқиндисидан илмгоҳ илмий бўлими қошида ишлаб чиқарилган антифризга ингибитор сифатида қўшилганда, автомобиль моторини зағлатмайдиган зарур

Келгуси сонда: ● АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ТИЛАГИ. ● ҲАҚАМЛА Р СЎЗ ИШЛАТИШ МАЙДИ.

Газета саҳифаланаётганда: ЯХШИЛАРИ КЎП ЭЛ Термизлик кўп болали она Саломат Шарофова бир неча йилдан буён сурункали хасталиқдан азоб чекади. Бормаган жойи, узрамаган доктору табиби қолмади. Новосибирскдан жароҳат ва ортопедия илмий-тадқиқот марказига учрашганида эса талайгина пул кераклиги маълум бўлди. Вилоят «Сурхон тоғи» газетаси қаламкашлари С. Шарофованинг жорий ҳисобига пул ўтказиш тўғрисида қилди. Элимизда соҳаватли одамлар, ташкилоту корхоналар

оз эмас. Вилоят аҳолига манжий ва қурилиш-таъмирлаш хизмати қўрсатиш трест тижамгармасидан 1 миллион сўм, ўилаб бошқа корхона ва ташкилотлар, олий ҳиммат одамлар 10—15 минг сўмдан пул ўтказишди. Яхшилар шарофати тўғрисида бемор дардан фориғ бўлиб қайтса ажаб эмас. Ч. ТҲҲАЕВ, ЎЗА мухбири.

Жумҳуриятимизда очилажак янги ўқув юрти — ТОШКЕНТ ШАРҚИЁТ ЛИЦЕЙИ да қабул имтиҳонлари бошланмоқда! Лицейда ўқув, ётоқхонада яшаш ва кунига тўрт маҳал иссиқ овқат шароитида мослашган бўлиб, ўзбек, араб, турк, инглиз тиллари ўқитилади. Химия, биология, физика, математика фанлари ҳам ўқитилади. МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент хусусий эркаклар лицейи Ҳамза тумани Султонали Машҳадий кўчаси 307—мактаб Автобуслар: 16, 21, 30 Шампан виноси ишлаб чиқариш корхонаси бекати ☎ Телефон 68-58-26 Мурожаат муддати: 1993 йил 2 октябргача. Имтиҳонлар: фақат 8-синфни битирганлар учун — 3 октябр 9⁰⁰ да ўтказилади. Ўқувчилар 2 та расм (3X4) ва баҳолар табелини олиб келишлари лозим.

Аҳоли диққатига! Электрга ҳақ тўлашнинг ЯНГИ НАРХЛАРИ МДХ мамлакатларидан келтириладиган ёқилғи баҳоси ошганлиги муносабати билан, шунингдек, электр қувватидан фойдаланиш самарадорлигини юксалтириш мақсададир 1993 йил 20 сентябрдан бошлаб 1 кВт.соат электр қуввати учун 4 сўмдан ҳақ тўланадиган янги нархлар жорий этилди. Ошхона электр плиталаридан фойдаланувчилар эса эндиликда 1 кВт.соат электр қуввати учун 2 сўмдан ҳақ тўлайдилар. Шу муносабат билан, электр ҳақи тўловларига баҳо барча қарзларни 1 кВт-соати учун 1 сўм ҳисобидан 10 октябргача узиб қўйиш зарур. 10 октябрдан кейин электр ҳақида доир тўловлар фақат янги нархлар асосида — 1 кВт-соатига 4 сўмдан қабул қилинади. Электр ҳақини тўлаш бўйича имтиёзга эга бўлган барча истеъмолчиларнинг имтиёзлари сақлаб қолинади. Узнегреоназорат

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АҲМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари), З.МАМАДАЛИЕВ, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ (масъул котиб), С.РУСТАМОВ, Б.ЮСУПОВ.

Тавсис этилган: ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ ва «ТУРКИСТОН» ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ газета 1925 йил 8 февралдан «Еш лешини» номи билан чир бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ: хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамма фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий беаъш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ: 10003, Тошкент, Митрополитлар кўчаси, 32-ўй. Нашр кўрсаткичи: 64607 Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайдиган ва таҳлил этилмайди. Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.